



BUYRUQ №2 ҚҚ

Тошкент ш.

“ 12 ”июн 2018 йил

2018-2019 ўқув йилига
талабалар қабулини
юқори савияда ташкил
этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июндаги “2018/2019 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул тўғрисида”ги ПҚ-3769 сонли Қарорида қўйилган вазифаларининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 8 июндаги “2018/2019 ўқув йили қабулини юқори савияда ташкил этиш тўғрисида”ги 511-сонли буйруғини ижросини таъминлаш ва Тошкент кимё-технология институтида 2018/2019 ўқув йилига талабалар қабулига юқори савияда тайёргарлик кўриш, ҳамда ташкил этишни ва ўтқазилишини таъминлаш мақсадида:

БУЮРАМАН:

1. Абитуриентлардан хужжатларни қабул қилиш жараёни, қабулга оид барча кўргазма воситалари институт бош биноси ҳамда Ёқилғи ва органик бирикмалар кимёвий технологияси факультетининг худудида амалга оширилсин.

2. Қабул комиссияси фаолиятини таъминлаш, абитуриентларга зарурий маълумот ва маслаҳатлар бериш, хужжатларни қабул қилиш ва қайта ишлаш, моддий техник таъминотини тайёрлигини амалга ошириш учун жалб этиладиган ўқитувчи, ёрдамчи ходимлардан иборат ишчи гуруҳи (илова 1, 2) таркиби тасдиқлансин.

3. Масъул котиби муовини (Чориев А .Ж)га:

- абитуриентларни хужжатларини сифатли расмийлаштириш, институтда ўқиш учун хужжат топширувчилар орасида касбга йўналтириш тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш, зарурий маълумотлар ва маслаҳатлар бериш ҳамда хужжатларни қабул қилиш, қайта ишлаш ва қабул жараёни бўйича ахборотларни умумлаштириш;

4. Масъул котиб муовини (Болтабоев У.Н)га:

- мутахассисликлар бўйича магистратурага хужжатлар топшириш ва белгиланган тартибга мувофиқ қабул имтиҳонларини ташкил этиш, магистратура қабул жараёнига оид барча меъёрий хужжатларни тайёрлаш вазифаси юклатилсин.

- қабулга оид меъёрий ҳужжатлар, статистик маълумотлар, тарғибот-ташвиқот стендларини тайёрлаш;
- техник ходимлар зарурий йўриқномалар билан таъминлансин ва улар томонидан қабулга оид меъёрий ҳужжатларни ўрганишни ташкил этиш;
- техник ходимларга қабул комиссияси ишлари тугагач ўз аризаларига биноан меҳнат таътили бериш;
- топширилаётган ҳужжатлар сони ортиб боришига қараб техник ходимларни жараёнига жалб этиш вазифалари топширилсин.

5. Ушбу буйруқ ижросини назорати қабул комиссия раис муовинлари проректорлар Т.Т.Сафаров ва Р.И.Адиловга зиммасига юклатилсин.

ТКТИ ректори

Ш.А.Муталов